



**ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ
МАСАЛАЛАРИ**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ
МАСАЛАЛАРИ**

№ 4

Қарши
«Насаф» нашриёти
2014

УДК 4с (Ўз)

ББК 81

Ў 17

Тўпلامда бугунги кунда ўзбек тилшунослиги, она тили таълими, ўзбек тили ўқитиш услубиёти, шунингдек, хорижий тилшуносликнинг турли йўналишларида илмий изланишлар олиб бораётган республикаимиз тилшунос олимлари, мустақил изланувчилар, магистрларнинг мақолалари жамланган.

Тўпلام ўзбек тилшунослиги бўйича илмий изланиш олиб бораётган тадқиқотчилар, филолог мутахассислар, магистрлар, бакалавр босқичидаги талабалар, она тили ва адабиёт ўқитувчиларига тилшунослик фанининг методологик асослари ҳақидаги янги назарий маълумотлар, илмий нуқтаи назарлар, мавжуд материалларнинг илмий таҳлиллари билан танишиш ва улардан зарур ўринларда фойдаланиш имконини беради.

(Мақолалардаги илмий ва фактик материаллар учун муаллифлар масъул)

Масъул муҳаррир:

Баҳриддинова Б.М. - филология фанлари номзоди, доцент

Таҳрир ҳайъати:

Ёзиев Л.Ҳ. - ҚарДУ ректори
Бобоназаров Ғ. Ё. - ҚарДУ проректори
Жабборов Х. - ф.ф.н., доцент
Жумаев Т. - ф.ф.н.
Жабборов Э. - ф.ф.н.
Худойназаров И. - ф.ф.н.
Шукуров О. - ф.ф.н.
Ўринова О. - ф.ф.н.
Мусулманова Н. - ф.ф.н.
Юлдошева Н. - ф.ф.н.

Такризчилар:

Жабборов Х. - ҚарДУ Ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти,
Бегимов О. - Қарши МИИ Тилларни ўқитиш кафедраси доценти.

ҚарДУ Илмий кенгашининг 29.04.2014. даги 9-сонли байъномаси билан нашрга тавсия этилган

T $\frac{4702620201-12}{376 (05) 2014}$ 12-2014



Тўпلام, 2014 й.



«Насаф» нашриёти, 2014 й.

ISBN 978-9943-18-191-5

mahsulotlari nomlari qayta ishlash texnologiyalari sohasi terminosistemi obyektidir, shuningdek, teri mahsulotlari nomlari juda qadim zamonlardan boshlab shakllangan mustaqil ko'pchilik hunari terminosistemasi ga mansubdir. Ana shu mulohazalardan kelib chiqib, mazkur nomlar qoramolchilik terminologiyasi mazmuniy maydonga kiritilmadi.

2. Qoramol anatomiyasi va unda uchraydigan kasallik nomlari:

a) qoramol anatomiyasi bilan bog'liq nomlar;

b) qoramol kasalliklari nomlari.

3. Qoramolni parvarish qilish bilan bog'liq bo'lgan terminlar:

a) qoramollar boqiladigan joy nomlari;

b) qoramollar oziqlanadigan yem-xashak nomlari;

v) kishilarning qoramolchilikka daxldor harakati va holati nomlari.

4. Cho'ponlik hayoti bilan bog'liq terminlar:

a) shaxs nomini bildiruvchi terminlar;

b) cho'ponlar tayyorlaydigan oziq-ovqat nomlari;

v) qoramolchilikda ishlatiladigan zaruriy asbob nomlari.

O'zbek tili leksikasi, xususan, sohaviy terminosistemalar orasida qoramolchilik terminologiyasi alohida o'ringa ega, ya'ni qoramolchilik o'ziga xos alohida sistema sifatida sohaviy terminosistemaga kiradi. U adabiy til va sheva materiallarini birlashtirgan holda markazida qoramol turgan alohida mazmuniy maydon sifatida tadqiq etilganda, bu mikrosistemaning butun mohiyati aniq namoyon bo'ladi.

Chorvachilikning qoramolchilikka oid terminlari ming yillar davomida tilda yashab kelayotgan o'zbek xalqining turmush tarzi tarixini xolis aks ettiruvchi o'ziga xos omil ekanligidan dalolatdir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Axmanova O.S. Slovar lingvistikicheskix terminov. -M., 1966.

2. Getmanova A. D. Logika. -M.: Visshaya shkola, 1986. -287 s.

3. Isxakova F.X. Strukturi terminologicheskix sistem. Tyurkskiye yaziki. -M.: Nauka, 1987. - 125 s.

4. Musayev K.M. Leksika tyurkskix yazikov v sravnitel'nom osveshenii. -M.: Nauka, 1975. - 357 s.

ГРАММАТИК ШАКЛИНИНГ УМУМИЙ ГРАММАТИК МАЪНОСИ ВА ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

Мусулманова Н.Р. (ҚарДУ)

Тил ҳодисасини назарий ўрганиш босқичи морфологик ҳодисанинг чексиз нутқий маъноси замиридаги лисоний жиҳатини - умумий грамматик маъносини тиклашни кун тартибига қўйди. Чунки тилшунослигимизда грамматик маъно, унинг табиати, моҳияти, умумий ва хусусий маъно муаммоси яқин вақтгача махсус қўйилмаган эди. Грамматик шакл умумий грамматик маъноси муаммосига жаҳон тилшунослигида 30-, туркийшуносликда 60-йиллардан бошлаб алоҳида эътибор берилди. Замонавий ўзбек тилшунослигида бу масала атрофлича текширилди ва ўзбек тилининг барча морфологик категорияси лисон-нутқ бўлинишида тадқиқ этилди ҳамда "умумий грамматик маъно тил бирлигининг минглаб турли хил матнларда юзага чиқадиган ва бевосита кузатишда берилган хусусий (нутқий) грамматик маънонинг умумий йиғиндиси бўлмай, хусусий грамматик маъно негизида ётган, унга нисбатан диалектик умумийлик вазифасини ўтайдиган маъно" сифатида қайд этилди.

Кўринадикки, морфологик категориянинг умумий грамматик маъноси ўзига хос, серқирра ва бўлинувчан бўлиб, бу бўлинувчанлик ва серқирраллик грамматик шакл умумий грамматик маъносининг мураккаб табиатлилигини кўрсатади. Грамматик шакл умумий грамматик маъносининг серқирраллиги, аниқроғи, камида икки қирраллиги улар ички ва ташқи муносабатларининг ҳам мураккаблигига боғлиқ бўлади.

Грамматик шакл умумий грамматик маъноси серқирраллиги улар табиатининг қарама-қаршиликли, зиддиятли эканлигини кўрсатади. Нарсанинг моҳиятини англаш эса ана шу зиддиятли, ўзаро инкор этувчи, қарама-қарши тенденцияларни очиш (тан олиш)ни тақозо этади.

Лисоний бирлиكنинг серқирраллиги унинг бир парадигмага кириши билан бошқа парадигматик белгининг кучсизланишини келтириб чиқаришига боғлиқ. Бошқача айтганда, лисоний бирлик бир неча парадигмага кирар экан,

ҳар бир парадигмага фақат бир қирраси билан киради, бошқа қирраси эса шаклни ўзга парадигмага олиб киради.

Умумий грамматик маъно, демак, ҳам у, ҳам бу парадигмага кира олади, уни бир парадигма билан чеклаб бўлмайди. Шу билан биргаликда, бир вақтнинг ўзида бир парадигмага мансуб бўлади. Умумий грамматик маъносини бир шаклнинг иккинчи шаклга муносабати, яъни бир қатор зиддият асосида келтириб чиқариш уни беҳад жўнлаштириш бўлади, ҳолбуки, парадигматик шакл(грамматик категория)нинг муносабати ранг-баранг. Чунки шаклнинг бевосита муносабатлари асосида унинг моҳияти эмас, балки қандайдир алоҳида қирраси очилади.

Грамматик шакл ўзи мансуб грамматик категория умумий грамматик маъносини жузъйлаштириши ва қай даражада жузъйлаштириши билан умумий грамматик маънога муносабатини билдиради. Маълумки, грамматик категория грамматик шаклларнинг оддий арифметик йиғиндисига тенг эмас ва улар орасида, одатда, тур-жинс муносабати мавжуд бўлади. Бошқача айтганда, грамматик шакл грамматик категория умумий грамматик маъносини лисоний сатҳда ўзича жузъйлаштиради ҳамда нутқий шароитга мос равишда турли кўринишда муайянлаштиради. Агар категория умумий грамматик маъноси билан унинг алоҳида шакли нисбий умумий грамматик маъноси орасида номувофиқлик мавжуд бўлса, ҳар бир ҳолат алоҳида тавсифланиши лозим.

Лисоний бирлик серқирра экан, у асосий белгиловчи хоссаси билан биргаликда унга ёндош иккинчи даражали хоссага ҳам эга бўладики, бу иккала жиҳат диалектик бутунликни ташкил этади.

Грамматик шаклларда категориал (моҳият) маъно билан биргаликда қатор йўлдош маънолар ҳам мавжуд бўладики, бу улар моҳиятининг камида икки қатор зиддиятда очилишини кўрсатади. Масалан, "сон категорияси умумий грамматик маъноси аталмишининг миқдорий ва сифатий тавсифини беришдан иборат. Бу умумий категориал маъно [0] шаклда "миқдорий аниқлик-ноаниқлик, сифатий бўлинмасликни", [-лар] шаклида "миқдорий ноаниқ кўплик ва сифатий бўлинувчан ҳамда бўлинмасликни ифодалаш" каби ихтисослашган кўринишга эга". (1) Категориянинг

номидан маълумки, у миқдор ифодалашга ихтисослашган морфологик ҳақиқат. Шунингдек, умумий грамматик маънодаги "ноаниқ", "аниқ", "сифат", "бўлинувчан", "бўлинмас" каби унсури бевосита унинг марказидаги (моҳияти ҳисобланадиган) "миқдор" унсурига бевосита дахлдор эмас. Бироқ, "бевосита дахлдор эмаслик" унинг моҳиятида айричалик, мустақиллик хоссаси мавжудлигини кўрсатмайди. Чунки, дейлик, [-лар] шакли миқдорни (яъни кўпликни) ифодалар экан, у бир пайтда ўз-ўзидан юқорида зикр этилган "сифатий бўлинувчанлик-бўлинмаслик", "ноаниқ" белгисини ҳам ифодалаб юборади. Демак, шаклда миқдор белгиси ҳар доим сифат белгиси билан бақамти яшайди, диалектик боғланишда туради. Чунки, "маънолардан бирининг кучайиши бошқасининг сусайишига, бошқасининг кучайиши биринчисининг сусайишига олиб келади". (2)

Маълум бўладики, грамматик шакл умумий грамматик маъно таркибий қисмидан бири - категория умумий грамматик маъносининг моҳиятини жузъйлаштириш бўлса, бошқаси унга ёндош, моҳият таркибига мансуб бўлмаган, бироқ у билан диалектик яхлитлик касб этган маъно. Шунинг учун грамматик шакл умумий грамматик маъноси таҳлилида соф категориал (грамматик шакл мансуб категория моҳиятига мансуб) ва унга ёндош ҳодиса фарқланиши лозим.

Демак, ўзбек тили грамматик категорияларини умумий грамматик маъноси таркибий қисмининг ўзаро муносабати ва табиатига кўра иккига бўлиш мумкин:

а) умумий грамматик маъноси таркибий қисми ўзаро категориаллик ва ёндошлик табиатига эга бўлган категориялар (келишик, сон, нисбат, майл, замон, бўлишли-бўлишсизлик);

б) умумий грамматик маъно таркибий қисмлари ўзаро ёндошлик табиатига эга бўлган категориялар (ўзгаловчи, кесимлик).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шаҳобиддинова Ш. Ўзбек тили морфологияси умумийлик-хусусийлик диалектикаси талқинида. II қисм. - Андижон: нашриётсиз, 1995. 21-6.

2. Нигматов Х.Г. Функциональная морфология тюркоязычных памятников XI-XII вв.-Т.: Фан, 1989. 158-с.

МУНДАРИЖА

<i>Бегматов Э.А.</i> Ономастика соҳаси ва ономастик бирликлар тушунчаси	3
<i>Худойберганава Д.</i> Нутқ яратилишининг психоллингвистик талқини	5
<i>Менглиев Б.Р.</i> Таълимда компетенция ва компетентлилик.....	7
<i>Bahriddinova V.M.</i> O'quv lug'atlarining tavsifiy belgilari	9
<i>Жумаев Т.</i> Яшил сўзининг этимологик талқини ҳақида	12
<i>Худойназаров И.И., Бўтаёров Ф.</i> Атоқли ва турдош отлар орасидаги маъновий муносабатлар	15
<i>Шукуров О.</i> Амир Худойбердиев шеърлятида сўзларнинг бадий санъат ҳосил қилиш хусусиятлари	18
<i>O'rinova O.T.</i> Soha terminosistemasida qoramolchilikka oid terminlar tasnifi	21
<i>Муслманова Н.Р.</i> Грамматик шаклнинг умумий грамматик маъноси ва унинг таркибий қисмлари	25
<i>Юлдашева Н.</i> Ўзбек, рус ва инглиз, тилларида от-кесимнинг ифодаланиши	28
<i>Шодмонова Д.Э.</i> Шеърлий нутқда “лисон-меъёр-нутқ” трихотомиясининг воқеланиши хусусида	30
<i>Нафасова В.</i> Паронимларнинг этногенетик асослари	34
<i>Bahriddinova V.M. Bahriddinova X.M.</i> Adabiy til taraqqiyoti va punktuatsiya muammolari	37
<i>Жабборов Х., Примов И.</i> Абулғозийнинг «Шажарайи турк»асаридаги ўз ва ўзлашма қатламга мансуб исмларнинг луғавий таркиби ҳақида	40
<i>Жабборов Х., Полвонов А.</i> 5-синф она тили дарслигидаги “муқаддима” бўлимини ўрганишда тафаккурни ривожлантирувчи ўқув топшириқлари устида ишлаш	42
<i>Жабборов Э., Иззатуллаев А.</i> Абулғозийнинг топонимик қарашлари	44
<i>Тоъжиева Г., Аминова С.</i> Миллий гоё тушунчаларининг когнитив-концептуал моҳияти	47
<i>Shukurov O.U., Sulaymonov B.</i> Ko'makchilar so'zlarni bog'lovchi vositalar sifatida	50
<i>Baymatova B.</i> So'z o'zlashish jarayonini davrlashtirish xususida	53

<i>Ubaydullayeva G.</i> So'zlik nuqtayi nazaridan o'quv lug'atlarini tasniflash	57
<i>Султанова Р.</i> Тоҳир Маликнинг “Номус” ва “Фалак” асарларида нутқнинг ижтимоий хосланиши	60
<i>Chariyeva Sh.</i> Temuriyozda antroponimlar semantikasi	63
<i>Ниёзова О.</i> Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида ундош фонемалар таснифи	64
<i>Шарипова Д.</i> Алишер Навоийнинг “Наводируш-шабоб” асарида қизил рангнинг ифодаланиши	67
<i>Курасова Н.В.</i> Сонет А.С.Пушкина «Мадонна» (К вопросу о строфической организации стихотворения)	71
<i>Алиқудов А.</i> Спортга оид атамаларни ўрганишнинг назарий муаммолари	73
<i>Элмуродова Л.Н.</i> Русский язык как культурная и интеллектуальная ценность	77
<i>Муратов Б.</i> Проблемный урок как средство обновления теории и практики учебного процесса в школе	82
<i>Jo'raqobilova H.X., Qulboyeva D.</i> Fransuz va o'zbek tillarida rang anglatuvchi frazeologik birliklarning qiyosiy tahlili	84
<i>Qulboyeva D., Jo'raqobilova H.</i> O'zbek va fransuz tillaridagi toponimli frazeologizmlarning milliy madaniyatda aks etishi	88
<i>Юлдашева Л.</i> Стилистические приёмы ораторской речи.....	90
<i>Mahmudova N., Hamrayev D.</i> Nemis tilida sodda gapning o'ziga xosliklari xususida	93
<i>Davurova U.</i> Ingliz tilida “to look” orqali ifodalangan birliklarda kuzatuvchi semantikasining o'rni va kognitiv nuqtayi nazardan tahlili.....	96
<i>Қувонова Ш.О., Холёрова Ф. Б.</i> Немис тилида модаллик	99
<i>Қувонова Ш.О., Назарова Ш.И.</i> Чет тилларни ўқитишда замонавий таълим технологияларининг роли	102
<i>Хусанова Р., Шукурова Н.</i> Инглизча идиомаларнинг тилда қўлланиши	104
<i>Алимов Т.</i> Инглиз тилида тўғри талаффуз нормалари ва қоидаларига риоя этиш масалаларига доир	108
<i>Ergashova R.</i> Ingliz va o'zbek tillarida sintagma	111
<i>Bozorova D.</i> Variantdosh so'zlar haqidagi bilimlar uzviyligi	113
<i>Jumayeva S., Fayzullayeva R.</i> Abulg'ozii Bahodirxonning badiiy tildan foydalanish mahorati	115

<i>Раҳматуллаева Ш.З.</i> Ҳаракат тарзи шакллари грамматик маъносининг тарихий-ижтимоий омил воситасида воқеланиши	118
<i>Jumayeva S., Kenjayev T.</i> O‘zbek tili darslarida o‘quvchilar so‘z boyligini oshirish usullari	120
<i>Мўминова Н.</i> Фафур Фулом ижодидаги қариндошликни ифодаловчи поэтизмларга доир	123
<i>Yo‘ldoshev N.</i> Boshlang‘ich sinf ona tili o‘qitish metodikasini o‘qitishda zamonaviy pedagogik texnologiyalaridan foydalanish	125
<i>Niyozova D.</i> Kesimlik mustaqil grammatik kategoriya sifatida	127
<i>Нарходжаева Х.</i> Ахборот коммуникация технология терминсистемасининг шаклланиши ва жараён англлатувчи терминлар	131
<i>Ражабова И.</i> Узлуксиз таълим тизимида она тили дарсларини педагогик технологиялар асосида ташкил этиш	134
<i>Ҳамроев Ш., Тоштемуров Б.</i> Исҳоқхон Ибрат — чет тиллар билимдони	137
<i>Йўлдашева Х.</i> Тарихий асарлар тилини социолингвистик тадқиқ қилиш омиллари хусусида	140
<i>Каримова Г.</i> Бадий асар тилини тилшуносликнинг янги парадигмалари асосида ўрганиш (лингвокультурологик, социолингвистик, прагмалингвистик)	146
<i>Safarova M., Xo‘jamberdiyeva M.</i> Undoshlarning takror va qator qo‘llanilishi (2-sinf “Ona tili” darsidan 1 soatlik dars ishlanmasi).....	151
<i>Berdiyeva L., Yarmanova Y.</i> Boshlang‘ich sinflarda ot so‘z turkumini o‘qitish (3-sinf “Ona tili” darsidan 1 soatlik dars ishlanmasi)	154
<i>Zaripova M.</i> Boshlang‘ich sinflarda imloni o‘qitish (1-sinf “Ona tili” darsidan 1 soatlik dars ishlanmasi)	157

ИЛМИЙ - УСЛУБИЙ НАШР

ТЎПЛАМ

ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

№ 4

Муҳаррир:	Ю.Зиёдов
Техник муҳаррир:	Ш.Раҳмонов.
Мусахҳиҳ:	М.Тўраева
Бадий безакчи:	Т.Эргашев.
Саҳифаловчи:	К. Темирова.

Нашриёт лицензия № АІ 139, 27.04.2009 йил. Теришга 23.04.2014 йилда берилди. Босишга 30.05.2014 йилда рухсат этилди. Бичими 60x84_{1/16}. Times UZ гарнитураси. Офсет қоғози. Офсет усулда чоп этилди. Шартли босма табоғи 9,53. Нашр босма табоғи 7,73. 2014-шартнома. 59-буюртма. 100 нусхада. 164 бет. Эркин нарҳда.

«Насаф» нашриёти, 180118, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 22-уй.

«Қаршиполиграфнашр» МЧЖда чоп этилди.
180118, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси,
22-уй.